

Айдар тўй – Ҳайдар тўй урф-одати ва рақси

Карамова Раъно Сарсенбаевна

Ўзбекистон давлат хореография академияси

“Санъатшунослик” таълим йўналиши 2-курс талабаси

Аннотатсия: Ушбу мақолада қорақалпоқ халқининг “Айдар тўй-Ҳайдар тўй” номли қадимий урф-одати тарихи ва унга бағишлиб саҳналаштирган рақс, ҳозирги кунда бу урф-одатни халқимизда тутган ўрни ҳақида баён этилади.

Калит сўзлар: Айдар тўй, ҳайдар тўй, овул, оқсоқол, қалпоқ, бий, “Айқулаш” ансамбли, жиров.

Энг қадим замонлардан бошлиб қорақалпоқ халқида “Айдар тўй”-“Ҳайдар тўй” номли урф-одат мавжуд. Уйда ўғил фарзанд туғилса қорақалпоқлар бу боланинг сочини таққирлаб олдириб, тек тепасида кичкина соч қолдирган, буни “Ҳайдар соч” деб атаб, вақти-вақти ҳайдар сочдан бошқа жойларини олдириб турган.

Ўғил 12-13 ёшларга етганида отаси ҳаммасини “Ҳайдар тўйига” таклиф этиб, шу куни боланинг тепа сочини қирқдирган, унга шу пайтгача кийиб келган дўпписининг ўрнига янги қалпоқ кийдириб, у йигит бўлди деб тан олдирилган ва эндиликда болалик ўйинларини ташлаб, ота-боболарнинг йўлига содик йигит бўлишига интилиши керак эди.

Тўйнинг ўтиш тартиби

Овулда тўй бўлади. Тўйга барча олис ва яқин овуллардан мемонлар чақирилади. Ҳамма бу ажойиб санани қувониб кутишади. Овул аёллари ҳозирланган алоҳида жойга янгидан тўқилган гиламларни тушайди. Бир томонидан овул йигитларининг ўртасидан тўйнинг асосий сабабкори келади.

Уларни кутиб олган йигилган оломон эл оқсоқолларининг фармонларини кутиб туришади. Ҳайдарни ким кесишни овул бийлари аввалдан белгилаган бўлади. Ҳамма таниш, кўпни кўрган оқ соқоллик бий кесади.

Жиров қобизни чалиб қўшиғини бошлайди:

¹Осмондаги турна, фоз

Қайрил тўйни кўрганда

Мавж урап барча юрт,

Ҳайдар тойни тўйлагандা.

Ўн бешда ўтов эгаси

“Элим” деб янграйди

Эл чақиrsa бош бўлиб

Ортидан ким эрмайди?

Ярашибсан бу ўйда

Янгра қўбизим, сен янгра

Мен армонсиз куйлайн

Бу бахтиёр замонда!

Кейин “Бийингни келтир қўрайлик, Ҳайдар сочини ўрайлик” деб, ўртага оқ соқоллик бий чиқади. Боланинг онаси като оқ рўмолга солинган қайчини қўш қўллаб тантанали қўтариб туради. Отаси қайчини олиб оқ соқаллик бийга таъзим қилиб узатади. Ҳамма қўзларини бийининг ҳаракатларига қадаб туришади. Оқсоқол боши билан имо қиласи, йигитлар болани гиламга жойлаштиришади.

¹ Қ.Жаримбетов, Ж.Нзаматдинов, И.Алламбергенова “Қорақалпоқ фолклори” 4китоби, 2018 йил, 130 бет.

Оқсоқол ҳайдарни ўнг қўли билан ушлаб, чап қўлидаги қайчи билан кесади. Кесиб олинган ҳайдар сочин онасининг оқ рўмолига солади. Қўшиқ бошланади:

Ҳайдар, ҳайдар, ҳайдари,
Йигит бўлгин чехрали
Эндиликда болалик
Хайр, алвидо айтади.

Роббим Оллоҳ. Сен қўлла
Тангри таола. Сен йўлла
Пешона, бахтига
Йигитлик тахтига.

Икки тиззасида ўтирган болага оқсоқол янги қалпок (қора) кийдиради.
Бек бўл ўғлим қалпогинга
Ардоқлагин уни доимо
Сен ҳам мерос қилурсан
Издан келар авлодга!

Эй худойим Сен қўлла
Ҳақ таола Сен йўлла
Темурнинг жасоратига
Алпомиш шухратига!

Қўшиқ давомида йигитлар гиламнинг бурчакларидан ушлаб қўтаришиб, ёш йигитни уч маротаба ҳавога отишади. Ундан кейин йигитлар бир-бири билан мусобақалашиш ўйини бошлайди.

Полат Мадреймов ушбу урф-одатимизни бутун дунёга танитиш мақсадида, “Айдар тўй” номли қорақалпоқ миллий рақсини саҳналаштирган. Бу рақсни илк бор унинг бадиий раҳбарлигидаги “Айқулаш” давлат қорақалпоқ ансамбли ижро этган. “Айдар тўй” рақсини ҳалқ жуда яхши қабул қилиб, ҳаттоқи ушбу рақсни томоша қилган ҳалқ маросимни янада сақлаб қолиш истаги уларда жуда кучайди. Ҳозирги кунда эса бу рақс қорақалпоқ тарихий рақси ҳисобланади. “Айдар тўй” қорақалпоқ миллий рақсини мерос сифатида республикамиздаги ансамблар ҳам ижро этишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда бу урф-одатимизни биз йўқотмоқдамиз. Чунки ёшлар замонавийлашиб кетмоқда. Чет эл ҳалқига биз ўзимиз билмаган ҳолда кўп тахлит қилмоқдамиз. Чекка кишлоқларда яшовчи ахолимиз, ёши катта бобо-бувиларимиз камдан-кам ҳолда бу урф-одатимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Оммавий маданият билан эмас балки, ўзимизнинг тарихий, жаҳонда тенги йўқ тақрорланмас урф-одатимизни асрар-авайлаган мақсадда ўз ҳиссамизни қўшайлик. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари мавжуд, буларни маънавий-маърифий бойликларимиз сифатида кейинги авлодга қолдиришимиз бу бизнинг бурчимиздир. Фақатгина қоғозларда назарий томонлама эмас, балки амалда ҳам кўрсатайлик.

Фойдаланилган адабиётлар:

Қ.Жаримбетов, Ж.Нзаматдинов, И.Алламбергенова “Қорақалпоқ фолклори” 4китоби, 2018 йил, 130 бет.